

АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

**Қодиров Абдурашид Маджидович -
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий тадқиқот маркази сектор мудури, и.ф.д., проф.
Назарзода Нодир Махмудий - Тошкент давлат
иқтисодиёт университети, таянч докторанти**

Аннотация. Ушбу мақолада кластер механизмларини шакллантиришнинг назарий масалалари кўриб чиқилган ҳамда республика қишлоқ ҳўжалиги тармоғини экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: кластер, қишлоқ ҳўжалиги, экспорт, рақобатбардошлик, инновация, пахта-тўқимачилик кластери, ташви бозорлар, диверсификация.

Аннотация. В данной статье рассмотрены теоретические вопросы формирования кластерных механизмов, а также раскрыта его взаимосвязь с ростом экспортного потенциала сельскохозяйственной отрасли.

Ключевые слова: кластер, сельское хозяйство, экспорт, конкурентно-способность, инновация, хлопково-текстильный кластер, внешние рынки, диверсификация.

Abstracts. This article examined the theoretical issues associated with the growing demand for agricultural sectors.

Key words: cluster, agriculture, export, competitiveness, innovation, cotton-textile cluster, sales markets, diversification.

Глобаллашув жараёнлари республика-мизни ташқи иқтисодий алоқалари ва қишлоқ ҳўжалигини рақобатбардошлигини оширишга жаҳон ҳўжалиги кўрсатадиган таъсирни тўлиқроқ ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади. Жаҳон короновирус пандемияси шароитида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспортини кўпайтириш ташқи бозорларга чиқишни давлат томонидан мувофиқлаштирилиши муаммоси ўта муҳим масалалардан биридир. Бугунги кунда, короновирус пандемияси шароитида протекционизм қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда (айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари мисолида) турли шаклларда намоён бўлмоқда ва барча дунё худудларида, жумладан, ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда ҳам кузатилмоқда.

Маълумки, Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”да қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, жумладан фермер ҳўжаликлари, энг аввало, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тармоқ экспорт салоҳиятини ошириш каби муҳим вазифалар қўйилган [1].


Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”да “қишлоқ ҳўжалиги бирлашмалари, фер-

мер ва деҳқон ҳўжаликларининг қайта ишлаш саноати корхоналари (шу жумладан кластерлар) билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш” устувор вазифаси қўйилган [2].

2015-йилдан бошлаб қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш мақсадида пахта ва буғдой майдонлари қисқартирилмоқда, сабзавот, картошка, мева ва полиз етиштириш учун мўлжалланган майдон кўпаймоқда.

Бунинг натижасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш таркибида пахта улуши камайиб, мева-сабзавот улуши ошмоқда. 2018 йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари улуши жами экспортни 9,0 фоизини ташкил қилган ўлса (1,32 миллиард. АҚШ доллари). 2017 йилда бу кўрсаткич 10,0% (1,35 млрд. АҚШ). Экспортни қисқартиришнинг сабаби пахта хом ашёсининг улушини мева етиштиришдан кўра тезроқ пасайиши ҳисобланади (1-расм).

Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида экспорт механизмини такомиллаштирилди. 2018 йил ноябр ойидан бошлаб юридик шахслар олдиндан тўловсиз, аккредитив очмасдан ва улгуржи савдога лицензия мавжуд бўлмасдан мева-сабзавотларни экспорт қилишлари мумкин, экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотлари эса мажбурий божхона текширувидан ўтказилмайди. Шунингдек, 2019-йилнинг март ойидан бошлаб мева-сабзавот маҳсулотларини ҳар қандай миқдорда инвойс асосида контрактсиз экспорт қилишга рухсат берилди.



1-расм. Агросаноат мажмуасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини экспорт қилиш динамикаси, млн. АҚШ долл.[13]

Шунинг учун мева-сабзавотларни экспортини янада қўпайтириш учун қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ва уни жаҳон стандартлари даражасида замонавий технологиялар билан таъминлаш зарур. Бунинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб қилинади:

давлат маҳаллий ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш сиёсатини шакллантириши ва хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи ягона тизим сифатида кўриш талаб қилинади ҳамда ташқи бозорларга чиқишда қўшилган қиймат занжирини ҳисобга олиш зарурдир;

мева-сабзавотларни қайта ишлаш саноати корхоналари қувватини ҳудудлар кесимида оптимал жойлаштириш ва бунда экспорт омилларини инобатга олиш талаб қилинади.

янги ташқи бозорларга кириш, айниқса ривожланган мамлакатлар бозорини ўзлаштириш ва унда бўлаётган истиқболли ўзгаришларни ҳисобга олиш (ИСО 9000-2001 стандарти, маркетинг тизимини шакллантириш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва б.) [8].

Шуни таъкидлаш керакки, жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган ва ўз самарасини бераётган кластер шакли республикамизда ҳам охириги йилларда турли соҳаларда изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Охириги йилларда қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари бунга далил сифатида хизмат қилиши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, республикамизда илк бор кластерли механизми пахта-тўқимачилик соҳасида қўлланилган. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, “етиштириш-қайта ишлаш-сотиш” занжирининг барча иштирокчилари умумий манфаъатни кўзлаган ҳолда фаолият кўрсатади (2-расм).


Натижада маҳсулотни ишлаб чиқариш диверсификацияси кенгайди. Масалан, пахта хом-ашёсидан 30 турдан зиёд маҳсулот тайёрлаш имконияти пайдо бўлади. Бир тонна пахта хом-ашёсидан 360 килограмм момиқ пахта, 110 килограмм пахта ёғи, 16 килограмм совун олинади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтгача тармоқ кластерлари етарли даражада ривожланмаган эди. Кўмалашувчи ишлаб чиқаришларнинг мавжуд эмаслиги агротармоғининг маҳаллий корхоналарига жаҳондаги технологик янгилашлар билан баравар қадам ташлашга имкон бермаган [10].

Агротармоқда кластерини яратишда хом-ашё олишдан бошлаб, қайта ишлаш ва маҳсулотни сотишгача бўлган бутун технологик занжирнинг юзага келиши натижасидаги синергетик самаранинг шаклланиши, айниқса, катта аҳамиятга эга, бу эса ўз навбатида, тармоқнинг инновацион жозибадорлиги ортишига сабаб бўлади.

Ўзбекистонда агрокластерларни ривожланиши кластер иштирокчиларининг самарали ҳамкорлик қилиши, инновацияларга, технологияларга, ноу-хау, ихтисослашган хизматлар ва юқори малакали кадрларга эга бўлиш ва бошқа имкониятлар кенгайиши ҳисобидан корхоналар рақобатбардошлигининг ўсишига ёрдам беради.

Аграр тармоқлараро кластер мураккаб тузилишга эга бўлиб, уни фаолиятининг кенглиги, иштирокчиларининг турли-туманлиги ва уларнинг ҳудудий жойлашуви, кластер ичидаги ўзаро муносабатларнинг турлари, шунингдек, ташқи муҳитнинг кластер фаолиятига таъсири орқали аниқлаш мумкин.



2-расм. Пахта-тўқимачилик кластерининг ишлаш модели[9]

Кластерни шакллантириш бўйича тadbирлар иштирокчиларининг стратегик мақсадлари, лойиҳани амалга ошириш мақсадларида ресурсларнинг қайта тақсимланиши ва институционал муҳитнинг ривожланганлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Кластерни шакллантириш бўйича институционал сценарийда маҳаллий бошқарув органларининг минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини амалга оширишга йўналтирилган кластерга оид ташаббусларини рўёбга чиқариш кўзда тутилади.

Агротластерларнинг шаклланиш босқичлари давомийлиги кўп томонлама ресурсларнинг мавжудлигига, асосий иштирокчиларнинг манфаатдорлик даражасига, институционал муҳитнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, кучли агротластерларни ажратишнинг қуйидаги алгоритми таклиф этилади:

- товарларнинг истиқболли турларини аниқлаб олиш, яъни минтақадаги аграр тармоқ томонидан ишлаб чиқариладиган истиқболли маҳсулот турлари орасидан маҳсулот экспортида уларнинг улушини таҳлил қилиш асосида;

- аграр тармоғининг рақобатбардош маҳсулотларининг жаҳон бўйича ишлаб чиқарила-

диган ҳажми ва нархлари динамикасини ўрта ва узоқ муддатли башорат қилиш;

- кластер ядросини ташкил этишга қодир бўлган иқтисодий субъектларнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаб олиш (истиқболли маҳсулотларни ишлаб чиқариш);

- кластерни ривожлантириш учун зарур ресурсларни белгилаб олиш. Танланган ҳудуд доирасида жойлашган истиқболли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган иқтисодий субъектларнинг хомашё, молиявий ресурслар, ишлаб чиқариш кучлари ва бошқалар билан таъминланганлик даражаси таҳлил этилади;

- инфратузилманинг агротластер фаолияти учун етишмайдиган элементларини яратиш учун мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш;

- кластернинг муҳим иштирокчилари (ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар, хизмат кўрсатувчилар ва б.)нинг ўзаро ҳамкорлик даражасини аниқлаб олиш, мутахассислар ўртасида сўровнома ўтказиш асосида кластернинг салоҳиятли иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш даражаси аниқланади.

Агротластер стратегиясининг самарадорлиги, ўз навбатида, рақобат устунлиги манбаига айланиб борадиган мамлакат, минтақа ва тармоқ хусусиятлари негизида барпо этилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ўзбекистон шароитида ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аграр тармоғининг қуйидаги соҳалари бўйича кластер салоҳиятини баҳолаш зарур: чорвачилик мажмуаси, тўқимачилик, мева-сабзавот ва узумчилик ва ҳ.к. Табиий-иқлим шароитларини эътиборга олган ҳолда, тармоқ хусусиятларига кўра рақобат устунлигига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, экспорт бозорларига, ривожланган инфратузилма тизимига, тадқиқотчилик, кадрлар тайёрлаш базасига, тажрибага ва кластерлик тузилмасининг бошқа таркибий қисмларига эгадир.

Шундай қилиб, энг муҳими мамлакатни кластерли ривожлантиришнинг салоҳиятини баҳолаш билан чекланиб қолмай, балки унинг институционал асосларини ва ўзаро манфатли иқтисодий муносабатларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Зеро бозор шароитида кластерга кирган барча иштирокчилар ўз фаолияти натижалари бўйича мустақил жавобгарликни олаётган бўлса, унда

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори субъектлари фаолиятининг асосий ҳал қилувчи мезони иқтисодий манфаатдорлик, яъни максимал фойда олиш ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кластерларда иқтисодий муносабатлар товар ҳаракатлиниш каналининг ҳар бир иштирокчининг ишлаб чиқариш-сотиш фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиши, ҳар бир иштирокчининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шериклар ўртасида шаклланиши ҳамда давлат ва/ёки ҳудуд манфаатлари, пировардида эса ҳар бир истеъмолчининг манфаатларига жавоб бериши лозим [6].

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида республикада агросаноат ишлаб чиқаришнинг юқори қўшимча қийматга эга ва юқори рақобатбардош хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар сифатида тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш катта аҳамиятга эга (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси
(млн. АҚШ долл.) [13]**

Т/р	Таркиби	2017	2018	2019	Ўзгаришлар	
					(+),(-)	%
1.	Пахтадан йигирилган ип	631,3	726,6	926,1	+294,8	146,7
2.	Тайёр кийимлар	268,7	289,7	354,5	+85,8	131,9
3.	Нақшли матолар	50,4	65,5	84,8	+34,4	168,3
4.	Ипак ва ипак маҳсулотлари	30,9	49,9	71,8	+40,9	2,3 м.
5	Пахтадан газламалар	53,8	65,7	69,2	+15,4	128,6
6	Бошқа маҳсулотлар	31,7	36,1	51,9	+20,2	163,7

Тўқимачилик маҳсулоларининг экспорти ҳажмларининг ошиши бевосита пахта хом ашёси экспортини ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб ва қўшимча қиймат яратиш орқали экспортни ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислохатлар натижасидир. Жумладан. Жорий йилда 1,6 млрд. АҚШ долларга тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 9,1%ни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсди.

Экспорт қилинган экспорт маҳсулотлари таркибидан пахтадан йигирилган ип (56,9%), тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари (21,8%) асосий улушни эгаллаган.

Шу нуқтаи назардан, республика қишлоқ хўжалиги тармоқлари экспорт ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун энг жозибали соҳадир. Ташқи бозорларда бу тармоқлар маҳсулотларини сотиш учун катта имкониятлар мавжуд (агросаноат комплексига технологик интеграцияни максимал даражада ишлатиш, тўқимачилик маҳсулотлари, тайёр кийим-кечак, поябзал, чарм маҳсулотлари ва ҳ.к. ишлаб чиқариш

ўсиши билан, МДҲ мамлакатлари бозорига устувор йўналтирилганлиги, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш тизимининг мувозанатли ривожланиши ва бошқалар). Яни бир катта афзаллик шундаки, агросаноат мажмуаси тармоқларида маҳаллий меҳнат ресурсларидан фойдаланиш мумкин ва маҳсулот сифатига зарар этказмасдан механизациялашган ва катта миқдордаги қўл меҳнати билан хам шуғулланса бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ривожлантириш масалаларини кўриб чиқишда жаҳон бозорларининг глобаллашувининг мавжуд жараёнларини ва айрим мамлакатларнинг товарлар ишлаб чиқаришда рақобатбардош устунликларини амалга ошириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, коронавирус пандемиясидан кейинги даврда турли ёндашувларини ҳисобга олган ҳолда комплекс тарзда ёндашиш зарур.

Шу нуқтаи назардан, агросаноат мажмуасида ички ва ташқи бозорини ривожлантириш

истиқболларининг асосий босқичлари қуйидагилардир:

қисқа муддатли давр. Экспортни ривожлантиришнинг асосий институтларини (агрокластерлар, ихтисослаштирилган экспорт зоналари, маркетинг-логистика марказлари ва бошқалар) ташкил этиш билан анъанавий савдо бозорларини (хозирги даврда экспортнинг асосий бозори сифатида) сақлаш; импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш мақомини аниқлаш (маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш); ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишда республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг вазифаларини фарқлаш; хом-ашё ресурсларидан ярим тайёр маҳсулотларга ва тайёр маҳсулотларга қўшимча қиймат занжири; лизинг операцияларини ўзлаштириш, агросаноат мажмуаси қайта ишлаш тармоқлари учун импорт технологик ускуналарни тизимли равишда сотиб олишдан "модулли" шаклгага ўтиш (самарали фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, кадрлар билан таъминлаш ва б.) мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича экспорт-ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этиш асосида маҳаллий ҳудудларда "иқтисодий ўсишнинг экспортга йўналтирилган моделини" синовдан ўтказиш ва бошқалар;

ўрта муддатли истиқбол. Халқаро маркетинг ва логистика каналларига кириш имконини берувчи инфратузилма базасини, коммуникация ва ахборот тизимларини яратиш; агросаноат соҳасининг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш учун мақсадли ва минтақавий дастурларни хорижий капитални жалб қилиш механизми билан амалга ошириш; технологик йўналишдаги воситачилик-инновацион фирмаларни ривожлантириш; технологик цикл бўйича қўшма ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш (тўқимачилик-тикувчилик, узумчилик-виночилик, сабзавот-консерва ва бошқалар);

узоқ муддатли истиқбол. Маҳаллий ҳокимият органлари ва минтақавий иқтисодиётнинг хусусий секторининг хорижий ҳамкорлар билан ўзаро фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига (шу жумладан, ривожланган мамлакатлар бозорларига) олиб чиқишни самарали қўллаб-қувватлаш имконини берадиган механизмлар; товарларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун бозор иқтисодиётининг жаҳон миқёсидаги инфратузилмасига интеграция қилиш. Бунинг учун аккредитация қилинган хорижий фирмалар билан агросаноат ишлаб чиқариш соҳасидаги қўшма корхоналар, битимлар, консорсиумлар ва бошқа интеграцион тузилмаларни ташкил этиш учун хорижий шерикларни аниқлаш мақсадида алоқаларни фаоллаштириш; инвест-

тиция муҳитини яхшилаш, агросаноат мажмуасига инвесторларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш; маҳаллий ҳокимият органлари ва хусусий сектор иштирокида инвестиция дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини яратиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчилар учун тенг ҳуқуқли шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни, шу жумладан, минтақада аниқ давлатлараро мақсадли дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишни малакали бошқаришга қодир етарли кадрлар тайёрлашни таъминлайдиган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг халқаро тизимини шакллантириш; маркетинг фаолиятини стратегик мақсадларини аниқлаш асосида мааллий брендларни шакллантириш.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ва иқтисодиётнинг агрокластерлар шаклини ривожлантиришда қуйидаги шарт-шароитларни ҳисобга олиш керак:

коронавирус пандемиясини салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, давлатлар ўзларининг агросаноат мажмуасида тузилмавий сиёсатларини фаоллаштиришга, жаҳон хўжалигида янада манфаатли мавқеларни эгаллашга йўналтирилган амалий чораларни қўллашга мажбур қилмоқда. Бошқа мамлакатларнинг аграр секторидан рўй бераётган тузилмавий ўзгаришлар, дунё бозоридан бўлаётган ўзгаришлар ва шу кабилар инobatга олинган ҳолда, ҳар бир мамлакатнинг халқаро савдода ўз ўрнини топа олиши масаласи ташқи иқтисодий алоқалар нуқтаи назаридан тобора кескин тус олмоқда;

турли мамлакатларнинг (Малайзия, Хитой Ҳалқ Республикаси, Турция, Эрон ва б.) тажрибасидан кўриниб турибдики, аграр секторда экспорт сиёсатини институциявий қўллаб-қувватлаш агросаноат мажмуасида ҳаракат қилаётган иқтисодиё субъектларнинг рақобат имкониятларини кенгайтиришга кўмак беради. Республикада экспортчиларга маҳсулот ишлаб чиқаришдан то уни хорижий бозорларда сотишгача комплекс кўмак берувчи ташкилотни тузиш, шунингдек, хорижий ташкилотлар билан уларнинг хизматларини жалб этиш, жумладан, халқаро савдони ташкил этиш ва самарадорлигини оширишда амалий кўмаклашиш учун ўзаро алоқаларни ўрнатиш таклифи илгари сурилади;

илғор жаҳон тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, аксарият тараққий этган давлатларда агросаноатда кластерлар кенг ривож топган. Кластерларнинг алоҳида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан яқин ва узоқ истиқболда инновацияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжа-

лиги ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим рол ўйнайди. Кластерга кирган иқтисодий субъектлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи (деҳқон ва фермер хўжаликлари)

ҳамда харидорларнинг эҳтиёжларини биладиган ҳамда шаклланган ўзаро муносабатларга эга бўлган қайта ишлаш ва савдо корхоналари фаолиятдан даромад олади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишининг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 53-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 512-сонли қарори
5. Byerlee D., de Janvry A., Sadoulet E. *Agriculture for Development: Toward a New Paradigm / Annual Review of Resource Economics. 2009. Vol. 1(1). PP.15-20.*
6. Enright M.J. *Survey on the Characterisation of Regional Clusters: Initial Results. Working Paper, Institute of Economic Policy and Business Strategy. University of Hong Kong, 2000, -21p.*
7. Сводный обзор о мерах и механизмах поддержки экспорта сельскохозяйственной продукции и продовольствия. ЕЭС. Москва, 2018
8. Яковенко Н.А., Иваненко И.С., Воронов А.С. Оценка и перспективы развития экспортного потенциала агропромышленного комплекса России. *Международный сельскохозяйственный журнал*, №5, 2018 с 73-77
9. Рахматов, Б.З Зарипов. Кластер-интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Т.: “Zamin Nashr”, 2018, 22 б.
10. Алимов Р., Камилова М., Курбанова Д. Кластерная концепция экономического развития: теория и практика. –Т.: ИЭ АН РУз, 2005. с. 36.
11. Халқаро мустақил аграр сиёсат институти ФАО, РОССТАТ ва халқаро савдо бўйича БМТ маълумотлар базаси
12. <https://president.uz/ru/lists/view/2941>

REDUCING AND FINANCING THE IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON THE BASIS OF AGRICULTURAL INSURANCE

**Yadgarov Akram Akbarovich -
PhD in Economics, Associate Professor,
Tashkent State University of Economics**

Аннотация. Мақолада иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммолар рўй бераётган айни вақтда қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши таъсирини камайтиришда суғурта хизматларини кўрсатиш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали иқлим ўзгаришлари таъсирини бартараф этиш ва кўрилган молиявий зарарларни қоплашда айнан суғурталашнинг аҳамияти кенг ёритилган. Қишлоқ хўжалигини суғурталашни кенг жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Асосий тушунчалар: Агросуғурта, иқлим ўзгаришлари, экологик хавфлар, қишлоқ хўжалиги, суғурта мукофоти, суғурта жавобгарлиги, суғурта товони, суғурталашдаги ислохотлар, қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш.

Аннотация. В статье научно обоснованы вопросы финансовой поддержки посредством предоставления страховых услуг по смягчению последствий изменения климата в сельском хозяйстве, где существуют проблемы с изменением климата. Важность страхования в смягчении последствий изменения климата и компенсации финансовых потерь за счет эффективного использования возможностей сельскохозяйственного страхования широко подчеркивается. Есть предложения и комментарии по поводу широкого внедрения сельскохозяйственного страхования и финансовой поддержки.

Ключевые слова: Страхование сельского хозяйства, изменение климата, экологические риски, сельское хозяйство, страховые взносы, страховая ответственность, страховое возмещение, страховые реформы, страхование урожая.

Annotation. The article scientifically substantiates the issues of financial support through the provision of insurance services in mitigating the effects of climate change in agriculture, where there are problems with climate change. The importance of insurance in mitigating the effects of climate change and compensating for financial losses through the effective use of agricultural insurance opportunities is widely highlighted. There are suggestions and comments on the widespread introduction of agricultural insurance and financial support.

The main part: Agriculture insurance, climate change, environmental risks, agriculture, insurance premiums, insurance liability, insurance indemnity, insurance reforms, crop insurance.